



Миссионерлар таъсир ўтказиш учун кўпроқ мўгул хукмдорлари оила аъзоларини насронийлаштиришга зўр беришарди. Улар хатто мўгул хукмдорларига насроний динидаги аёлларни хотинликка беришар эди. Масалан, Чингизхоннинг хотини насронийликни қабул қилган татар хоними эди. Хукмдорнинг учинчи ўгли Угедей ҳам насроний аёлга уйланган эди. Угедейнинг ўгли Куюкхон насронийлар таъсирига тушиб қолган бўлса, унинг тоғаси Чигатой Ислоннинг ашаддий душмани эди. Халокухон (Хулогу) ҳам насроний динидаги аёл билан турмуш қурган эди. Ана шу аёл кейинчалик уни Ирок ва Шомни ер билан яқсон қилишга руҳлантирди. Халокунинг ўгли Абакахон Византия императори кизига уйланган эди. Мусулмон тамаддунини йўқотишдан буддавийлар ҳам манфаатдор эдилар.

Лекин вилоят хокими савдогарлар келгани хакида шохга хабар берганида у хаммасини ўлдириш ва молларини тортиб олишни буюрди. Хоразм шохи юртига бостириб кирган мўғуллардан шу тарика ўч олмокчи бўлган эди. У аслида Чингизхон билан шартномасини

бузиб кўйганди. Кейинчалик, шох мўғулларнинг куч-имкониятларидан вокиф бўлгач, ўз килмишидан каттик афсусланди, аммо энди кеч эди. Чингизхон унинг ўзини ва мамлакатини йўқ қилиб юбориши хақида мактуб жўнатди. Бундан газабланган Алоуддин мўғул элчиларидан бирини катл қилдирди, бошқасига Чингизга қарши уруш эълон қилгани хабарини етказишни юкледи.

Хоразм шохи шундан кейин Туркистонга юриш қилди ва ўша ердаги қишлоқлардан бирига хужум уюштириб, қўплаб аҳолини ўлдирди, аёлларни асир олди. Мўғуллар бу боскиндан хабар топиб, хоразмшоҳ ўрдусини қувиб етишди. Каттик жанг бўлса-да, бирор томон қолиб бўлолмади. Бухорога қайтган Алоуддин Мухаммад қудратли душман билан тўқнашув олдида турганини англади ва ялпи сафарбарлик эълон қилди.

Мўғул лашкарлари хоразмшоҳ ерларига бостириб қирди, шох эса негадир ўз ўрдусини асосий жанг майдонига эмас, турли шаҳарларга жойлаштира бошлади. Мўғуллар хоразмликларнинг таркок қўшинларини яқсон қилиб, шаҳарларни бирин-кетин осонгина эгаллай бошлашди. Биринчи бўлиб қўчманчилар ҳамласига Бухоро дуч келди. Уни босиб олган мўғуллар тинч аҳолига нисбатан аввалда сира қўрилмаган вахшийликларни қилишди, йўлларида учраган ҳамма нарсани бузиб-янчишди. Кейин улар Самаркандга қараб юришди, аммо шаҳар аҳолиси мўғулларга қаршилик кўрсатди. Шунда мўғуллар ҳарбий хийлага ўтишди: улар худди қочаётгандай шаҳардан узоклашишди, бундан руҳланган самаркандликлар шаҳар ташқарисига чикишди ва олдиндан тайёрлаб қўйилган пистирмага тушиб, ҳалок бўлишди. Мўғуллар шаҳарга қириб, худди Бухородагидай вахшийликлар қилишди.

Самарканд таслим бўлганидан кейин мўғулларнинг икки юз минг қишлоқлик ўрдуси хоразмшоҳ Алоуддин Мухаммадни таъқиб қила бошлади. У Хазар (Каспий) денгизидаги ороллардан бирига яширинди ва хижрий 620 йили ўша ерда вафот этди. Шу орада мўғуллар Мозандарон, Рай, Хамадонни эгаллашди, у ерлардан Озарбойжон ва Гуржистонга қараб юришди. Қофқозортдан ўтиб, Дарбанд шаҳрига етишди ва Қофқоз тоғларини четлаб, булғорлар ўлкасига боришди. Аммо булғорлардан қашатчи зарба еб, чекинишга мажбур бўлишди.

Чингизхоннинг ўзи Самаркандда қолиб, қўшиннинг бир қисmini Термиз ва Фарғонага жўнатди. Бу шаҳарларни босиб олган мўғуллар қатлиом уюштириб, қўплаб тинч аҳолини қириб ташлашди. Шундан кейин Чингизхон ўғиллари бошчилигидаги катта бир ўрдуни яна Хоразмга юборди. Бошқа бир қўшин эса Балхга жўнатилди. Аммо Балх аҳолиси жангсиз таслим бўлди. Толиконда мўғуллар каттик қаршиликка учраб, шаҳарни ташлаб қишлоққа мажбур бўлишди. Шунда Чингизхоннинг ўзи қўмондонликни зиммасига олди ва бу қалъани эгаллади. Шундан кейин бирин-кетин Марв, Нишопур, Хирот, Тус ва Газна мўғулларга таслим бўлди.

Ойдин Ориф ўғли АЛИЗОДА,
Озарбойжон Фанлар академияси шарқшунослик институти катта илмий ходими,
фалсафа фанлари номзоди

Манбалар:

1. Али Заде А. "Хроника мусульманских государств", Москва, "Умма", 2004 г. стр. 374-377.
2. Шакир М. "История Ислама от Адама до наших дней", т. 2, Стамбул, 1993 г.
3. Босворт К. Э. "Мусульманские династии", Москва, 1971 г.